

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 12-yanvar, payshanba

№ 2 (9218)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

САНОАТ РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 январь куни sanoatni rivojlantirish hamda qusimcha zahiralarni aniqlash masalalari b'uyicha videoselektor yig'iliши ўtkazildi.

Мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли бандлигида sanoat juda katta ўрин тутadi. Бу соҳага зарур шароит yaratish maqsadida sun'gi yillarda 19 ta erkin iqtisodiy zona va 400 dan ziyad kichik sanoat zonasi tashkil etildi, ularning infratuzilmasiga 10 trillion sum yunaltilirildi. Shuningdek, tuzimachilik, kimyo, qurilish materiallari, chirm, farmatsevtika, elektr texnikasi kabi tarmoqlarni "drajver"ga aylantirish uchun 3 milliard dollarlik moliyaviy resurslar ajratildi. Sanoatni xomash bilan ta'minlash uchun geologiya-kidriuv ishlari 3 barobar kupaityirilib, 600 tadan ziyad yangi kon aniqlandi.

Natijada oxirgi besh yilda sanoat korxonalarini soni 2 barobar kupaityirib, 100 mingtaga etdi, ishlab chikarish hajmi 1,4 baravargacha kupaityirildi.

Бу hududlar rivojiga ijodiy ta'sir qilmoqda. Jumladan, Jizzaxda ilgari bulmagani qurilish materiallari, avtomobilsozlik, oziq-ovqat sanoati kabi yangi tarmoqlar paydo buldi. Birgina qurilish materiallari b'uyicha 220 ta loyiha ishga tushirilib, viloyat sanoatida bu soxaning ulushi 20

foizdan oshdi.

Самарқанд, Сирдарё, Наманган ва бошқа hududlarda metallni qayta ishlab chikarish uchun 19 ta yirik loyiha amalga oshirildi. Namanganda tashkil etilgan 54 ta yangi kichik sanoat zonasida 2022 yilda 3 trillion sumlik mahsulot ishlab chikarildi.

Kimyo sanoatida oxirgi uch yilda ishlab chikarish hajmi 1,5 baravargacha, eksport esa 2 baravargacha oshgan.

Shu bilan birga, ayrim hududlarda natijalar imkoniyat darajasida emas. Xususan, 2022 yilda Navoiy, Buxoro va Toshkent viloyatlarida sanoat ushuni kungiladigidek bulmagani. Qoraqalpogiston Respublikasi, Jizzax, Qashqadaryo, Surxondaryo, Fargona va Xorazmda ip-kalavani qayta ishlab chikarish darajasi pastligiga qolgan. Namangan, Samarqand va Navoiyda oziq-ovqat, chirm-poyabzal, mebel ishlab chikarish salohiyati etarlicha ishga solinmagani.

Shu bois yig'iliashda joriy yilda sanoatni rivojlantirish, soxaga investitsiyalarni kupaityirish va zahiralarni ishga solish chora-tadbirlari muhoqama qilindi.

Davlatimiz rahbari sanoat



uchun yangi imkoniyatlar va qusimcha moliyaviy resurslar berilishini ta'kidlagani.

Birinchi imkoniyat – bank normativlari qayta ku'rib chikilib, tijorat banklarida korxonalariga kredit ajratish uchun qusimcha 55 trillion sum resurslar ta'minlanadi. Bu – bitta tumanda urtaga 20 million dollarlik investitsiyaga qusimcha manba, degani.

Ikkinchi imkoniyat – 2023 yilda sanoat zonalarini va yirik investitsiya loyihalari infratuzilmasini zahiralarni ishga solish chora-tadbirlari muhoqama qilindi. Shuningdek, "Gijduvon" va "Kukun" erkin iqtisodiy zonalarini

hududi kenagaitiriladi. Qoraqalpogiston va Qashqadaryo "Urgut" erkin iqtisodiy zonasining filiallari tashkil etiladi.

Uchinchi imkoniyat – 2023 yildan boshlab, iqtisodiy rivojlantirish orqada bulgan turinch va beshinchi toifadagi 60 ta tumanga 27 turdagi soliqliq imtiyoz, subsidiya va preferentsiyalar berilganidir.

Turtinch imkoniyat – gilamchilik, uy tekstili, chirm va zargarlik tarmoqlari uchun taqdim etiladigan engilliklar. Unga ku'ra, 2023 yilda tuzimachilik loyihalari qusimcha 300 million dollar yunaltiladi. Chirm-poyabzal sanoatida 200 dan

ortiq turdagi import xomash b'uyicha bojhona imtiyozlari uch yilga uzaytiriladi. Zargarlar xomashni chegirma bilan sotib olish imkoniyati hamda soliqliq, bojhona va bank imtiyozlari beriladi.

Prezidentimiz bu imkoniyatlarini ahoili va tadbirkorlariga etkazib, joylarda loyihalarni kupaityirish zarurligini ta'kidlagani.

Sanoat zonalarida 1 ming 264 ta loyiha ishga tushirilib aytiladi. Shuningdek, Navoiy viloyatida 6-gidrometallurgiya zavodini hamda Olmalikda 3-mis boyitish fabrikasini ishga tushirish, Andijonda zamonauiy ku'ov chexini va Chirchikda kishloq xujaligi mashinasozlik klasterini tuzilish kavatiga chikarish ham muhim vazifalardan. Mutasaddilarga sanoat kooperatsiyasini kenagaitirib, 6 milliard dollarlik mahalliyashirish loyihalari amalga oshirish, hududiy investitsiya dasturlarini kiriritilgan 3 mingga yakin loyihalarni vaqtda ishga tushirish b'uyicha topshiriqlar berildi.

Umuaman, barcha manbalar avaziga joriy yilda sanoatni 14 foizga oshirish imkoniyati borligi ku'rsatib utildi.

Iyig'iliashda muhoqama qilingan masalalar ozasidan sanoat tarmoqlari rahbarlari va chikimlar uz reja va takliflarini bildiridi.

UZA

14 январь – Vatan qimoychilari kuni

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАХКАМ ҚАЛҚОНИ

Мамлакатимиз Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 31 йиллиги ва 14 январь – Vatan qimoychilari kuniga bag'ishlab Urganch shahrida "Milliy armiyamiz – Yangi Uzbekistonning mustahkam qalqonidir!" shiori ostida qharbiy-vatanparvarlik festivali utkazildi.

Xorazm viloyati qhimoychiligi va Shimoliy-qharbiy qharbiy okrugi kumondonligi hamkorligida tashkil etilgan tadbirde eshlar, qharbiylar, ularning oila a'zolari, keng jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Viloyat qhimoychi vazifasini bajaruvchi, qharbiy-ma'muriy sektor rahbari Juraabek Rahimov va Shimoliy-qharbiy qharbiy okrugi qushinlari kumondoni polkovnik Farhodjon Shermatov suzga chikib, eshlarini qharbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, Kurollari Kuchlarimiz uchun etuk malakali kadrlar tayirlash va soxada olib boriladigan keng kulamli islohotlar vatanimiz sarhadlarining dahlsizligini yana mustahkamlaetgani xususida tuxtaladi.

Festivalda qharbiy parad, zamonauiy kuroslaxa va texnika-lar ku'rgazmasi, qharbiy orkestr va qharbiy hizmatchilarning ku'rgazma-li chikishlari namoyish etildi.

Festival doirasida tashkil etilgan yugurish marafoni, arqon tortish, tosh kutarish, kamondan ut otish va boshqa sport musobaqalari qoliblariga diplom va kimmatbaxo sovgalar topshirildi.

– 2016 yildan beri qharbiy hizmatdamon, – deydi kichik serjant Asilbek Nurmatov. – 2019, 2020, 2021 yillarda Uzbekiston kurollari kuchlari qharbiy hizmatchilari urtasida utkazilgan tosh kutarish musobaqasi, optin marafon va eng ilg'or razvedka a'lochisi musobaqalarida ishtirok etdim va qolib buldim. 2022 yilda "Marad ug'on" davlat mukofoti bilan

taqdirlandim. Halqimiz, Prezidentimiz, ota-onamiz va yakinlarimizning ishonchi bizga kuch bag'ishlaydi.

Davlatimiz rahbari Jaloliddin Manguberdi haykalining ochilish marosimida qharbiy vatanparvarlik ruhida bуюk sarqarda nomi bilan ataluvchi qharbiy yunaliashda ta'lim muassasasi tashkil qilinishini ta'kidlagani. Qisqa mudatda mahalliy budget ma'blaqi xisobidan 300 uringa muljal-langan zamonauiy ukuv maskani buned etildi.

Muassasada 4 kvatli ukuv binosi, 300 urinli etokhona, oshxona, madaniyat saroyi, qharbiy tayergarlik mashg'ulotlari uchun janogvar tayergarlik maydonchalari, sport majmuasi, boshqa zarur qusimcha binolar barpo etilgan va eng sun'gi rusumda qharbiy vositalar bilan jixozlangani.

Viloyat qhimoychi ukuv muassasasi qurilishi va jixozlanishini kuzdan kechirdi. Sun'g Shimoliy-qharbiy qharbiy okrugi kumondonligi rahbariyati hamrohligida "Yangi qharbiy" umumqushin poligonida qharbiylar uchun yaratilgan sharitlar bilan tani-shdi. Utgan yil ushu dala-ukuv maydonida jойlashgan 27 ta qharbiy va ijtimoiy objektda viloyat qharbiy-ma'muriy sektori moliyaviy kumagi bilan qurilish va rekonstruksiya ishlari olib borildi. Xususan, poligonda zamonauiy kurinishda 350 urinli ikkita etokhona, 20 ta mashg'ulot xonadan iborat bulgan ikkita ukuv binosi, 300 urinli oshxona, 150 kishiga muljal-langan aloxida sanitar tizim yangidan qurildi.

(Davomi 2-sahifa)



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

САЙХУНОБОДДА ЯНГИ МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКИ ВА БИОЛАБОРАТОРИЯ

ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Сайхунобод туманида шур ювиш b'uyicha ku'rgazma-li amaliy seminar utkazildi. Unda viloyat qhimoychi vazifasini bajaruvchi Akmalxon Mahmudaliyev, sektor rahbarlari, soxaga aloqador korxonalar va tashkilotlar mas'ullari, fermer xujaliklari va klasterlar vakillari ishtirok etdi.



Шахриёр ОРТИҚБОЕВ (UZA) олган суратлар.

Семинар давомида katanashchilar peshlavxalardagi taqdimotlar va daladagi amaliy ishlar bilan tani-shdilar. Ular qharbiy shur yulgan maydonlarda amalga oshiriladigan agrotexnik tadbirlar, kul-laniladigan vositalar haqida ma'lumotlar berildi. Shuningdek, yangi rejalar muhoqama qilindi. Ta'kidlanishicha, endilikda oldingi yillardagi-

dek, oilab shur yuvishga sub berishning imkoni iyy. Mavjud suvlaridan oqilona foj-dalanish uchun esa erlarni shur yuvishga sifatli tayirlash lozim. Shu bois joriy yilda bu tadbirga aloxida tayergarlik kuzilmoqda. Xususan, viloyat b'uyicha 72 ming gektarga yakin maydon-da shur yuvish tadbirlarini utkazishi belgilangan. (Davomi 3-sahifa)

ЯНГИ КОРХОНАДА 500 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Qoraqalpogiston Respublikasi Keg'eyli tumani "Oktuba" o'vul fuqarolar yig'ini hududida Andijon viloyati qhimoychiligi tashabbusi bilan "Aqtuba textil group" korxonasi uz faoliyatini boshladi.

Loyiha qiymati 30 milliard sumni tashkil etgan korxonada 500 nafar xotin-qiz ish bilan ta'minlanadi. Yangi objekt yillik 2,4 million dona trikotaj

mahsulotini ishlab chikarish kuvavati ga ega.

Korxonalar ish boshlashi bilan Rossiya Federatsiyasi bilan bir yillik hamkorlik shartnomasi

imzolaniyb, eksport uchun erkaqlar, a'elllar va bolalar kiyimlari tikish iylga kuyiladi.

Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (UZA) олган сурат.

Тавсиялар

КЕСКИН СОВУҚДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ВА ЧОРВА МОЛЛАРИ

ҚАНДАЙ АСРАЛАДИ?

10-15-yanvarda respublikamizda qharvo qharoratining keskin soviyb ketishi dalalar qharbiy qharbiy xujaligi ekinlari va chorvachilik qharbiy ta'sir ku'rsatadi? Uzbekiston Respublikasi Qishloq xujaligi vazirligi mamlatimizdagi fermer xujaliklari, boqbonlar, issiqxona va tomorqa er egalariga uz tavsiyalarini berdi. (Davomi 2-sahifa)



"Индорама Агро" МЧЖ кластер корхонасига қарашли ер майдонлари атрофидаги кўп йиллик дарахтлар махсус техникалар ёрдамида илдири билан қўпорилди



Фотос: Халқ о'зи

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚҚАМ ҚАЛҚОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, 4 та бошқарув пункти, ёпиқ типдаги 6 та ёзги машғулот хонаси, ўқ отиш майдони, зирхли транспортёрлардан отиш машқларини бажаришга мўлжалланган директриса, радиацион, кимёвий, биологик муҳофаза, экстремал шароитда яшаб қолиш, муҳандислик, артиллерия, ҳаво ҳужумидан муҳофаза, алоқачилар шаҳарчалари, армия биатлони йўлакларини, 24 та мураккаб тўсиқлардан иборат бўлган 1200 метрли разведкачилар тўсиқли йўлига барпо этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жисмонан чиниқиши,

турли спорт ўйинлари билан шуғулланиши учун мини-футбол стадиони, гимнастика шаҳарча, волейбол майдончасини ўз ичига олган очиқ спорт мажмуаси мавжуд.

Бу ерда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, ушбу полигон нафақат куч тузилмалари вакилларининг маҳоратини оширишга, балки ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақириқча ҳарбий тайёргарлигини оширишга ҳам хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Аҳмадҷон ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гап шундаки, бир мурожаат изидан Қашқадарё вилоятининг Касби тумани Назартепа маҳалла фуқаролар йиғини Назартепа қишлоғига бордик ва худуддаги "Индорама Агро" МЧЖ кластер корхонасига қарашли ер майдонлари атрофидаги кўп йиллик тут, қайрағоч, айлант, жийда каби дарахтлар махсус техникалар ёрдамида илдири билан қўпорилиб йўл ёқасидаги захира ерларга ўтказиб қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Гуё кўчириб экилгандай тасаввур ўйғотадиган бу усул аслида дарахтларни ўлимга маҳкум қилишдан бошқа нарса эмас. Шу ерлик фуқаролар ёрдамида ўтказиб қўйилган 15-20 йиллик тут, қайрағоч дарахтларини итариб кўрдик. Илдирилари батамом чопиб ташланган "кунда" енгилгина ағнади.

Мурожаатчи Музаффар Чўлиевнинг таъкидлашича, иккита дала майдонини бирлаштириш мақсадида ўртадан ўтган узун йўл ва йўлнинг икки томонига экилган барча дарахтлар қовлаб олинган. Йўл ҳам бузиб ташланган. Ортиқча муаммо бўлмаслиги учун захира ерларга олиб келиб ўрнатиб қўйилган.

Қашқадарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходими Азиз Қурбоннинг таъкидлашича, ушбу дарахтларни кўчириш мақсадида "Индорама Агро" МЧЖ кластер корхонаси маъмурияти томонидан ўтган йилнинг 10 декабрь санасида 133540-сонли ариза билан мурожаат қилинган. Аризани кўриб чиқиш давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сонли "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерлардаги дарахт ва буталарнинг қимматбахонавларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори иловаси билан тасдиқланган "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерлардаги дарахт ва буталарнинг қимматбахонавларининг рўйхати"га олинганлиги ҳамда Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сонли фармони 2-бандига кўра, Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбахонавларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилганлиги сабабли кўчириб ўтказиш ва кесиш рад этилган.

Дарахтларни кўчириб ўтказиш ва кесиш рад этилишига қарамасдан "Индорама Агро" МЧЖ томонидан дарахтлар далолатномада кўрсатилганидан ортиғи билан 560 (беш юз олти) туп (тут, қайрағоч, айлант, жийда) дарахтлар жойидан қўпорилиб олинган бошқа жойга кўчирилган.

Кўчириш давомида катта ёшли дарахтларни кўчириш қоидаларига ҳам умуман амал қилинмаган. Кўчирилган дарахтларнинг бирортасида ҳам муҳим илдирилар йўқ. Экология бошқармасидан тегишли рухсатномани ололмагач, йўлаб-йўлаб устакорани йўлни топишган ва дарахтларни жойидан қўпориб, бошқа жойга кўчиришган. Илдири йўқ дарахт эса, айниқса у кўп йиллик бўлса, эрта баҳор келиши билан қўрийд. Қўпол қилиб айтганда тара-

Бир мурожаат изидан

ИЛДИЗИ ЙЎҚ ДАРАХТ

ЭРТА БАҲОРДА ҚУРИЙДИ, ТАРАШАГА АЙЛАНАДИ



шага айланади. Қуриган дарахтларни олиб ташлаш эса хамирдан қил сугургандек битди. Шу билан "операция" муваффақиятли якунланади.

Бугун давлат раҳбарининг шахсан ташаббуси билан бутун республикамиз бўйлаб "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси давом этмоқда. Дарахтларни кесишга эса таъқиқ қўйилган бир пайтда битта-иккита эмас 560 туп (бу мурожаатчилар билан бирга саналгани) дарахтни нобут қилиш учун "Индорама Агро" МЧЖ кластер корхонаси "катта юрак"ни қаердан олдийкин. Буниси жуда шубҳали.

Халқимизда бир кессанг ўрни эк деган нақл бор. "Индорама Агро" МЧЖ кластер корхонасини "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида нечта кўчат экканига

кизиқиб кўрдик. Афсуски, корхона томонидан лойиҳа доирасида 2022 йил куз мавсумида бир донга ҳам дарахт кўчати экилмаган.

Тўғри, юртимизда фаолият юритаётган кластер корхоналари кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Юзлаб янги иш ўринлари яратмоқда. Бунинг учун уларга ҳукумат томонидан бир қанча имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Аммо бу худудда исталган ишни қилишга рухсат дегани эмас. Қўпориб олинган дарахтларнинг аксарияти тут дарахти бўлиб, улар мавсумда касаначилар учун пилла боқишда муҳим озуқа манбаи бўлиб хизмат қиларди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

САЙХУНОБОДА ЯНГИ МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКИ ВА БИОЛАБОРАТОРИЯ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Шундан, 6 680 минг гектари кучли шўрланган майдон бўлса, 64 553 минг гектари ўрта ва 205 979 минг гектарини кучсиз шўрланган майдонлар ташкил этади. Бу борада барча туманлардаги экин майдонлари кесимида шўрланиш даражаси ва шўр ювиш тадбирларини ўтказиш жадваллари ишлаб чиқилган.

Семинар доирасида "Poly tex agro" МЧЖнинг машина-трактор парк ва "Саухун рһагт plant" МЧЖнинг замонавий биологаторияси фойдаланишга топширилди.

Машина-трактор паркда 13 та

ғалла ўриш ва 24 та пахта териш комбайни, 6 та ҳайдов, 32 та универсал ва 46 та чопиқ трактори, 4 та юк, 20 та енгил машина ва 12 та бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланидан техникалар, шунингдек, 6 та айланма омон, 20 та пневматик сеялка, 46 та культиватор, 50 та тиркама ва 103 тадан зиёд бошқа агрегатлар мавжуд. Бу ерда 105 та доимий ва 30 та мавсумий иш ўрни яратилган.

Янги ташкил этилган биологатория энг сўнгги ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, айни вақтда 20 нафар ходим фаолият юритмоқда.

– Жорий йилда зараркунан-

даларга қарши биологик усул билан курашиш учун 40 килограмм трихограмма, 18 миллион донга бракон ва 3 000 дон олтин кўз ишлаб чиқаришни режалаштирилганмиш, – дейди биологатория мудири Алмухаммад Носиров. – Худуддаги 1 та кластер ва 30 та фермер хўжалиги билан шартнома тузилган.

Иштирокчилар машина-трактор паркидаги мавжуд техникалар, биологатория фаолияти ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Сирдарё вилояти
ҳокимлиги
Матбуот-хизмати.

(Боши 1-саҳифада)

Кузги бошоқли дон экиннинг қишқи совуққа чидамли бўлиши ундаги тўплаш туғунининг қанчалик чуқурлигига ва бошқа омилларга боғлиқ. Кузги бошоқли дон экинларининг совуқдан зарарланмаслиги учун куйидаги зарур чора-тадбирларнинг кўрилиши мақсадга мувофиқ:

- кеч экилган, айниқса, айрим 1-2 барг ҳолатида бўлган ғалла майдонларига чириган маҳаллий ўғит (гўн) сепиш;
- ғўза қатор ораларига экилиб, ҳозирги кунгача ғўзаполярдан тозаланмаган майдонларда ғўзаполярдан тозалаш ишларини совуқ кунлар тугагунга қадар тўхтатиш;
- электр энергия чекловлари бўлишини инобатга олиб, насос агрегатлари ва лоток тармоқларининг музлаб ёрилишининг олдини олиш учун улардан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш;
- совуқ таъсирида ғаллага зарар этиши кузатилган ҳолатларни бартараф этиш бўйича қишлоқ хўжалиги мутасаддилари ва олимлар иштирокида штаблар ташкил этиш.

САБЗАВОТЧИЛИК ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ

Ҳозирда республикамиз дала ер майдонларида асосан август-сентябрь пиёзлари ва саримсоқпиёзлар экилган. Ушбу сабзавот экинларини кескин совуқдан асраш учун куйидаги тавсияларни қўллаш лозим:

- экин майдонларини устини плёнка қопламалари оддий ёки дуга усулда қоплаш;
- маҳаллий чириган гўн, шולי қипиги ва апилка билан мўлчалаш;
- сомон ёки майин хашаклар билан ўсимлик устини ёпиб чиқиш каби чора-тадбирлар.



КЕСКИН СОВУҚДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ВА ЧОРВА МОЛЛАРИ

ҚАНДАЙ АСРАЛАДИ?

Шу билан биргаликда сабзавотлар экилган дала майдонида шамол оқимиға қараб олов ёқиб тутатиш ҳам фойда беради.

• **Тўқсонбости усулида** экилган сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, селдерей, кашнич, салат) экинлари уруғлари ҳали ердан униб чиқмаган ва уларни совуқдан зарарланиш эҳтимоли жуда паст даражада. Иссиқхоналарда помидор ва бодринг етиштиришда иншоотдаги ҳаво ҳарорати ўсимликлар учун мос бўлиши лозим. Иссиқхонада етиштирилаётган бодринг ҳарорат 0 ° даражага тушиб

кетганда нобуд бўлади. Помидорнинг эса +7° даража ҳароратда илдири тизими, -1-2° даража совуқда эса ўсимликнинг ўзи нобуд бўлади;

• **Иссиқхоналарда** исирик, похол ёки эскирган техник балонларини ёқиб тутатиш натижасида ҳам 2-3° даража иссиқлик бериш ва ушлаб туриш мумкин.

• **Иссиқсевар сабзавот экинларидан** помидор, ширин қалампир ва бақлажон кўчатларини иссиқхонада тайёрлаш ҳамда бодринг ва полиз экинлари уруғларини экишни вақтинчалик тўхтатиб туриш керак. Ҳар бир далада ҳаво ҳароратини кузатиб,

-10 даражага тушиши билан уюмларни тутатиш жоиз. Совуқ тушишининг энг фаол вақти бу тонги соат 3-5 оралиғида бўлиб, айнан шу вақтда ўсимлик совуқдан зарарланади, шу боис, хушёрликни ошириш талаб этилади.

Совуққа чидамли сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, ош лавлаги, қарам ва кўкат сабзавотлар каби экинларга -2-3° даража совуқ сезиларли таъсир этмайди.

• **Мевали боғ ва узумзорларда** куйидаги агротехник тадбирларни амалга ошириш орқали уларни совуқ уришдан ҳимоялаш мумкин: мевали боғ ва тоқзорларнинг қатор ораларидан сўғориш ариқлари олиб, сўғориш, яъни яхоб суви бериш лозим. Совуқ вақтида боғ ва тоқзорларни қондириб сўғориш натижасида сув ҳарорати ҳаво ҳароратидан юқори бўлганлиги учун сув буғлари ер ва дарахтларнинг ҳарорати пасайишига йўл қўймайди;

• уруғли мева боғларда шакл бериш ва кесиш тадбирларини совуқ ҳароратлар ўтгунга қадар вақтинча тўхтатиш;

• кўмилмай қолган ток туллари, анор ва анжир буталарини совуқдан сақлаш учун зудлик билан хашаклар ва шולי поялар билан ёпиш ёки тулроқ билан кўмиш;

• хурмо дарахтлари таналарини ва шох-шаббаларини хашак, қуруқ макка ва шולי поялари ҳамда бошқа нарса-



лар билан ўраш;

• **Иссиқхоналарда** етиштирилаётган цитрус ва кулпунчи ўсимликларини ҳимоя қилиш учун плёнка остидан яна бир қават юққа плёнка тортиш (*термос қилиш*) ва иссиқхона устидаги қорларни туширмаслик зарур;

• **Мевали боғ ва узумзорлар** қатор ораларига маҳаллий ўғит аралаш хашак, похол, шох-шаббалар уюмларини тўплаб, уларни тутатиш (мевали боғ ва узумзорларга бир текисда эни 1,25-1,5 м ҳамда баландлиги);

• 0,5-0,75 м дан тўп-тўп қилиб уйиб қўйиш);

• дарахтларнинг ёши ва қалин, сийрақлигига қараб ҳар бир гектар майдонга 100-200 та уюм ҳосил қилиш керак. Тутун боғ ичига яхши ёйилиши учун уюмларни мевали боғ ва узумзорларнинг шамол эсадиган томонига қўйиш ҳамда ҳаво ҳароратини кузатиб бориш.

• **Чорва ҳайвонлари** сақланадиган биноларнинг мақбул ҳарорати +7- +17 даража ва майда шохли қорамоллар

учун +10- +12° даража бўлиши талаб этилади (*ёш қорамоллар учун бу кўрсаткичлар бироз юқори бўлиши керак*).

• **Чорва молларини** кескин совуқдан асраш учун ширали озукалар билан озиқлантириш ва сўғоришни ёпиқ биноларнинг ичида ташкил этиш керак. Етук ёшдаги чорва ҳайвонларини +10+12 даража ва ёш молларни +16+30 даража ҳароратдаги сув билан сўғориш мақсадга мувофиқ. Бир кунда етук ёшдаги қорамолларга ўртача 60-100 литр, ёш қорамолларга 20-30 литр, майда шохли қорамолларга 5-10 литр сув ичириш керак;

• **Хўжалик ҳудудларини** тўлиқ ўраш ва унинг худудига ёввойи ҳайвонлар киришининг олдини олиш; Турли турдаги чорва ҳайвонларини битта бинода сақламаслик керак;

• **Чорва биноларида** табиий ва махсус вентиляция тизими бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

"Оҳангин мавжига керакмас тилмоч..."

Ўзбекистон халқ артисти Камолитдин Раҳимов таваллудининг 80 йиллиги олдидан

ЭЛ СЕВГАН ҲОФИЗНИНГ ФАРЗАНДИДУРМАН...



Камолитдин Раҳимов ўғли Хусанбой Раҳимов билан

Отам энг аввало меҳрибон, оилапарвар инсон эди. Касби орқасидан тез-тез олис шаҳарларга бориб, байрам тадбирлари, тўйларда иштирок этсада, қайтган захоти юриш-туришимиз билан қизиқарди. Оилада энг аввало биз, фарзандларини соғлом, илмли, одоб-ахлоқли бўлиб voyага етишимизга катта эътибор қаратарди. Онамиздан соғлигимиз, ўқишимиз ҳақида сўрашни қанда қилмасди. Кундаликларимизни назорат қилиши, барча фанлардан саволлар бериб имтиҳондан ўтказишга ҳам вақт толарди. Мактабимизга бориб, устозларимиздан жўзли гап эшитмасе кўнгиллари жойига тушмасди. Кўп китоб ўқишлари, кечалари билан ижод қилиши, излашилари билан бизга ўрнак бўларди. Шу боис ҳам бизда эгаллаган касбимиздан қатъий назар санъатга, кўшиқчиликка меҳр-муҳаббат эрта уйғонган.

Мен отамнинг йўлидан боришни мақсад қилдим. Бугунги кунда эл севган ҳофизнинг созини кўлимда тутиб, улар томонидан яратилган, куйлаб келинган муслика ва кўшиқларни баҳоли кудрат ижро этиб, уларнинг сирасига янгиларини қўшиб санъатсевар элимизга хизмат қилиб келаётганимдан чексиз бахтиёрман.

Отам ҳаёт бўлганида бу йил саксон ёшга қарши олардилар. Унинг ижодида сўз ва оҳанг уйғунлиги ўзига хослиги билан ажралиб турарди. Ашула айтишни таниқли санъат даргаси Ваҳобжон Абдуллаевдан ўрганганлигини фахр билан тилга оларди. Репертуаридан ўрин олган кўлаб мумтоз ва замонавий куй-кўшиқлари миллионлаб мухлислари томонидан севиб

тингланмоқда.

Отам кўшиқчилик фаолиятини 1960 йилда дастлаб Наманган шаҳар маданият уйи қошидаги Уста Рўзиматхон номидаги ашула ва рақс ансамблида хонанда сифатида бошлаган. 1971 йилгача шу жамоада муслика раҳбари, кейинроқ бадиий раҳбар, 1972 йилдан Алишер Навоий номидаги вилоят муслика ва драма театрида яккахон хонанда бўлиб ишлаган. 1982 йилда "Ўзбекфильм" студияси жамоаси томонидан ижодида бағишланган "Дил таронаси" фильми суратта олинган. 1966 йилдан 2002 йилгача Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Махтумқули каби мумтоз шоирлар асарлари асосида яратилган туркум кўшиқлари, юзлаб грам-пластинка, компакт диск, аудио-

кассеталарга ёзиб олинди. Она ватанимизда, ер юзининг кўлаб мамлакатларида бўлиб, ўзбек кўшиқчилик санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшгани учун улар 1983 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. 1998 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди. 2014 йилда 70 йиллик юбилейи мамлакатимизда, Наманганда кенг нишонланди. Унда Республика-мизнинг барча ҳудудлари ва кўш-ни юртлардан таниқли ижод аҳли, санъаткорлар иштирок этди. Шафқатсиз ўлим 2015 йилнинг 25 февралда отамизни орамиздан олиб кетди. Отамизнинг ўзбек миллий кўшиқчилик санъатида қўшган ҳиссаси Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилди. Уларнинг фармони билан

2021 йил 24 августда "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Бу юксак мукофотни мен Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразақов қўлидан қабул қилиб олдим.

Ўзбекистон халқ артисти Камолитдин РАҲИМОВни ёд этиб

Мўъжиза

Дунёда шундайин бир мўъжиза бор,
Севинчиг барқ урар, армон инграйди.
Қаҳратон дилда ҳам гул очар баҳор,
Йиғлаётган мурғак тиниб тинглайди.

Дунёда шундайин бир мўъжиза бор,
Оҳангин мавжига керакмас тилмоч,
Қай милаат, қай злат мухлиси бисёр,
Ҳофиз Камолитдин меҳр очар кулоқ.

Равшанбек МПРЗОЛИМОВ,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиб.

Диққат танлов!

Эълон

Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжалиқлариغا ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинади-

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан танловга қўйиладиган табиий сув ҳавзалари рўйхати			
№	Туман номи	Табиий сув ҳавза номи	Майдон (гектар)
Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 14.02.2023 й)			
Манзил:		Нукус ш., Қизилкент кўчаси 14-б	
1	Амударё тумани	"Шарсапа" кўли	8,2
2	Беруний тумани	"Зариб қара" кўли	5,3
3	Бўзатов (Кегейли) тумани	"Довуткўл Қорабек" кўли	2864,9
4	Қораўзақ тумани	"Атакол" кўли	112
5	Қораўзақ тумани	"Сарикўл" кўли	13,6
6	Кўнғирот тумани	Марал-Машын кеткен-Балтакеткен, Сашка кўли	299
7	Кўнғирот тумани	Коптин кўли	68
8	Мўйноқ тумани	"Жауынғыр" кўли	29,4
9	Мўйноқ тумани	"Карамуш" кўли	220,1
10	Мўйноқ тумани	"Қизил кема" кўли	1,78
11	Мўйноқ тумани	"Закир" кўли	330
12	Мўйноқ тумани	Хожакол кўли	126,3
13	Мўйноқ тумани	Арқа Мақпал кўли	35,4
14	Мўйноқ тумани	Узынқайыр кўли	5
15	Мўйноқ тумани	"Арка Аббаз-Карамуш" кўли	50,6
16	Нукус тумани	"Кудияр" кўли	8,4
17	Нукус тумани	"Гунжили" кўли	9,4
18	Тахтақўпир тумани	Шор коли	39,1
19	Тахтақўпир тумани	"Костобе" кўли	91,4
20	Тахтақўпир тумани	"Айраткўл" кўли	145,8
21	Тўрткўл тумани	Қуксу Лоток яб Контур кўли	10
22	Тўрткўл тумани	Айдынкўл кўли	10,1
23	Тўрткўл тумани	Шоркўл кўли	16,9
24	Тўрткўл тумани	Араб кўли	6,6
25	Тўрткўл тумани	Эрёзқалъа	6,8
26	Шуманай тумани	2878-а-санлы контур	1,4
27	Шуманай тумани	"306-контур" кўли	8,1
28	Элликқалъа тумани	441 контур кўли	2,1
29	Элликқалъа тумани	301 контур кўли	2,8

ган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да яқунланади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliqsanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.

30	Элликқалъа тумани	Жинган кўли	3,9
31	Элликқалъа тумани	"Чаланг" кўли	1,6
32	Элликқалъа тумани	"Даша" кўли	30,8
33	Элликқалъа тумани	Уйсаланг-2	50,4
34	Элликқалъа тумани	Бақберген кули	68
35	Элликқалъа тумани	Думанқала кўли	27,5
35	Жами		4711
Бухоро вилояти (танлов санаси 22.02.2023 й)			
Манзил:		Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 297/1-уй	
1	Бухоро тумани	"Қумсултон" кўли	2987
2	Олот тумани	"Денгизкўл 3-контур"	1000
2	Жами		3987
Қашқадарё вилояти (танлов санаси 28.02.2023 й)			
Манзил:		Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси 81а-уй	
1	Қамаши тумани	"Чимқўрғон" сув омбори	4455
2	Китоб тумани	"Шўрбосой" сув омбори	5
3	Яккабоғ тумани	"Қизилсув" сув омбори	60,4
3	Жами		4520
Тошкент вилояти (танлов санаси 02.03.2023 й)			
Манзил:		Нурафшон ш. Тошкент йўли кўчаси 24- уй. 4- қават	
1	Бекобод тумани	Табиий кўл	2,4
2	Бекобод тумани	Табиий кўл	3,7
3	Бекобод тумани	Табиий кўл	1,15
4	Бекобод тумани	Табиий кўл	35,4
4	Жами		43
Хоразм вилояти (танлов санаси 03.03.2023 й)			
Манзил:		Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси 22А-уй	
1	Хазорасп тумани	"Шўркўл - 2"	6,8
2	Хазорасп тумани	"Протоқ" кўли	33,2
3	Қўшқўпир тумани	"Чегара" кўли	40,7
4	Тупроққалъа тумани	"Чегара" кўли	18,1
5	Шовот тумани	"Бўстон" кўли	94,8
5	Жами		193,6

Халқимизда "Меҳнат қилган элда азиз" нақли бежиз айтилмаган. Ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб шунини таъкидламоқчиманки, қай бир инсон касби қандай бўлишидан қатъий назар эл-юрти учун сидқидилдан меҳнат қилса асло кам бўлмайди. Эларо азиз бўлиб, камол топади. Бу дунёдан ўтганидан кейин ҳам номи шарфланади. Буни ўз кўшиқчилик санъати билан ёрқин из қолдирган падарибузрукворим мисолида ҳам ақлоқ гувоҳи бўлиб турибман. Айни кунларда, ўзбек кўшиқчилигининг ёрқин номояндаси Камолитдин Раҳимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлашга Наманганда катта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу кечада меҳрибон отам, устозимдан менга ёдгорлик бўлиб қолган тор жўрлигида "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиб, шоир ва журналист Равшанбек Мирзаолимов қаламига мансуб "Эл севган ҳофизнинг дилбандидурман" кўшигини ижро этман. Уни падарибузрукворимнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Хусанбой РАҲИМОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Наманган вилояти бўлимаси хонандаси.



ФИЗИК ОЛИМЛАРНИ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҚИЙНАЯПТИ?

Физика фанини ўрганиш кўпчилик учун мураккаб туюлади. Унча-мунча ўқувчига бу фанни ўзлаштириш осон кечмайди. Аммо ҳаётимизда содир бўладиган табиий ҳодисаларнинг асл моҳияти мана шу фан билан боғлиқ.

Хўш, бугун физика соҳасида изланиш олиб бораётган олимларни қандай муаммолар қийнапти? Л а б о р а т о р и я л а р да улар учун зарур шароитлар яратилганми?

Фанлар академияси қошидаги Ядрофизика институти экология ва биотехнология лабораторияси мудир, техника фанлари доктори Бахтиёр Қурбонов билан шу ҳақда фикрлашдик.

– Ядрофизика институтининг мақсад ҳамда вазифалари нималардан иборат?

– Бизнинг ядро физикаси институтининг асосий вазифалари – материя тузилиши,

таъминоти замон талабидан анча орқада қолмоқда. Илмий лабораториялар қўллаётган асбобларнинг ёши 20-30 йилни ташкил этади. Ривожланган мамлакатлардаги илмий лабораториялар асбоблардан узоғи билан 5 йил фойдаланишади. Кейин янгисига алмаштирилади. Илмий салоҳиятда бизнинг ҳамюрт олимларимиз чет мамлакатлар олимларидан ҳеч ҳам қолишмайди. Фақат бизнинг экспериментал базаларимиз орқароқда.

– Ҳеч кимга сир эмас, кейинги пайтларда физика, химия каби фанларга ёшларнинг эътибори



атом ядролари таркибини чуқур тадқиқ этиш ва улардан инсоният манфаати йўлида фойдаланишдан иборат. Шунингдек, ядро реакциялари асосида янги изотоплар олиш, уларни халқ хўжалиги тармоқлари ҳамда тиббиётда қўллашга эришиш ҳам асосий вазифаларимиздан бири.

– Кейинги вақтларда институт томонидан қандай янги тажрибалар ўрганилди?

– Бугунги кун учун долзарб саналадиган тажриба ва тадқиқотларимиз кўп. Улардан энг асосийлари – ядро-физикавий ишланмалар асосида инсон микроэлементлар статусини баҳолаш услубиятини тиббиётга жорий қилиш, яъни инсон организмидеги микроэлементларнинг тақсими томонидан буйича инсон саломатлигига барвақт (хаста бўлишдан олдин) ташхис қўйиш. Яна бири функционал озик-овқатлар тизимини кенг ёйиб, мамлакат аҳолисини соғломлаштириш дастурини қабул қилиш.

– Лабораторияда ўрганишлар олиб бориш учун зарур илмий асбоблар етарлими?

– Ядро физикаси соҳасида тадқиқот ишлари ўтказиш ва янги натижаларни олиш нафақат олимларнинг илмий салоҳиятига, балки замон талабига жавоб берадиган илмий асбоблар, экспериментал базага ҳам боғлиқ. Асбоб-ускуна қанчалик замонавий бўлса, олимларнинг оладиган натижалари, илмий ишланмалари шунчалик юқори даражада бўлади.

Ядро физикаси соҳасида тажрибалар ўтказиш учун ноёб илмий асбоблар: юқори сезгирликдаги ярим ўтказгичли детекторлар, спектрометрлар зарур. Афсуски, илмий асбоблар билан институт ва лабораторияларнинг

анча сусайди. Мактаблардаги лабораторияларда ўрганиш олиб бориш учун имкониятлар йўқ ҳисоби. Ёшларни физикага қизиқтириш учун нималарга эътибор бериш керак?

– Мактабларда физика фанига ўқувчиларни қизиқтириш учун қуйидаги ишларни қилиш керак:

- 1) Фан ютуқлари бўйича илмий-оммабоп рисола ва китобларни чоп этиш;
- 2) Физика ва техника ютуқларини, амалиётга жорий этилган илмий ишланмаларни кенг тарғиб қилиш. Олий ўқув юртларидаги физика лаборатория жихозларини янгилаш. "Физика фани қонунлари 100 йилда ҳам ўзгармайди", деган доғмадан йироқлашиб, замонавий лаборатория асбоблари билан жиҳозланиши ва бўлғуси физика ўқитувчилари замонавий тажриба ишларини ўрганиб, кейин дарс беришга боришлари керак.

– Агар сизга қайсидир вазирлик томонидан "Ядро физика соҳасини ривожлантириш учун қандай амалий ёрдам керак?" деган савол берган бўлардингиз?


– Агар шундай мард топилса, айтадиган фикримиз: ядро физика соҳасини ривожлантириш учун:

- 1) Замонавий илмий асбоб-ускуналар билан таъминлаш (биз 5 йилдан буён вазирликка бундай заруратлар тўғрисида мурожаат қилмадик, натижа йўқ);
- 2) Ёшларни магистратурада тайёрлаш дастурини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, имкони бўлса, магистратура таълимини Фанлар академияси институтларига топшириш мақсадга мувофиқ.

Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди, ЎЗА

Чумчуқлар яна қайтармикан?...

Яқин ўн йил нари-берисида чумчуқ деган қушни аввалгидек, осмонда гала-гала бўлиб учиб юрганини, электр узатувчи симларда, дароҳт шохларида қатор-қатор бўлиб тизилиб турганини, товуқларга дон сепганда, уларнинг дон-дунига келиб шерик бўлаётганини бугун кўрмаймиз. Табиатнинг ушбу жонзоди айни пайтга келиб ва на қишлоқларда деярли кўринмай қолди.



Чумчуқлар НЕГА КЎРИНМАЙ ҚОЛДИ?

...Болалигим ўтган қишлоқдаги отамнинг (Худо раҳматига олган бўлсин) ҳовлисида турли дароҳтлар билан тўлган катта боғ бўларди. Шу дароҳтларнинг бирор тури йўқ эдики, шохларига чумчуқлар ин қўймаган бўлса. Уларнинг кўплигиданми, уйимизни айвонининг шифтидаги каваларида ҳам чумчуқ инлари бўларди. Гўдақлимда, қабрлари нурга тўлган онам раҳматли менга биринчи табиатдан қўш ҳам айнан чумчуқлар бўлган бўлса ажаб эмас.

Уқувчилар кезларимизда "зоология" деган фан ўқитилар ва ушунда "Уй чумчуқлари" деган мавзу ўтилган эди. Уша ўтган асрнинг 70-йилларида устозимизнинг мактаб боғида ўтган дарсдан ёдимда қолгани, "Уй чумчуқлари учувчи қушлар туркумига мансуб бўлиб, уларни дунёнинг аксарият қисмида учратиш мумкин. Уй чумчуқлари узунлиги одатда 12-16 сантиметргача, вазни 25-40 граммгача бўлган кичик қушлар бўлиб, модалари ва ёш чумчуқлари оч жигарранг ва кулранг, нарлари эса ёрқинроқ қора, оқ ва жигарранг, томоғида қора белгилари бўлади", дея мактаб боғидаги шохдан-шохга учиб-қўниб юрган чумчуқларни кўрсатган эди.

Ушундан тўққиз йил муқаддам, "Зоология" деган фан ҳам ўтилган эди. Шу фандан мактаб устахонасида дарс берган устозимиз назоратида меҳнат таълими дари пайтида, қушлар учун уйча ясаб, мактабимиз боғидаги дароҳтларга маҳкамлаб ўрнатиб қўярдик. Ҳар бир юқори синфнинг ўз қатори бўларди. Боғ қуш уйчалари билан тўлиб кетганда ва энг қувонарлиси, ана шу қурган уйчаларимизда улар яшарди.

Аммо бугунги кунга келиб, на қишлоқ, на шаҳар мактаб боғларида нимагадир бунақа қуш уйчаларини кўрмаймиз.

Интернетдаги манба эса, "Чумчуқ – минимал хавф остидаги (камгайиб бо-раётган популяция) қуш тури. Бутун дунёда ўнлаб чумчуқларнинг турлари mavjud. Уларнинг 50 дан ортиқ тури Шимолий Америкада топилган. У ўлкада асосан, дала чумчуқлари mavjud бўлиб, улар – чумчуқсимонлар туркуми тўққизчилик оиласига мансуб қушларнинг бир тури ҳисобланади. Уларнинг вазни 20–25 граммни ташкил этади. Бошқа чумчуқсимонлардан бошининг энса қисми кўнғир, оқ рангли чаккасида қорамтир доғлари ҳамда қанотларида иккитадан оқиб йўли бўлиши билан фарқ қилади. Евросиёнинг деярли ҳамма жойида тарқалган. Асосан ўтроқ яшайди, фақат Американинг шимолий қисмидан қишда жануброққа кўчади. Буталар орасига, боғлар ва хиёбонлардаги дароҳтлар танаси ёки ердаги ёриқларга уя қуради, унга 4-8 та (одатда 5-6 та) оқ ёки кулранг майда қорамтир доғли тухум қўяди. Дала чумчуқ шимолий худудларда хашаротлар билан озикланиб бирмунча фойда келтиради. Аммо деҳқончилик ривожланган худудларда пишиб етилган донли экинлар ва меваларни еб катта зиён етказилади. Америкада ҳам чумчуқларнинг сони кўп бўлган жойларда дала чумчуққа

қарши кураш олиб борилади". Гидрометеорологик илмий таҳлиллари, об-ҳаво прогнозлари, тадқиқотлар билан шўғулланувчи докторант Э.Абдулаҳатовнинг кузатувлари асосида чумчуқлар ҳақидаги мақоласига кўзим тушиб қолди. Мақолада Тошкент шаҳрида чумчуқларни кўринмай қолгани ва унинг сабаблари ҳақидаги кузатувлари асосида жуда долзарб муаммо кўтарилган.

Жумладан, муаллиф: "Иқлим ўзгариши, ўзгариш фониде турли биотурлар, хусусан фауна оламида қушлар ва ҳайвонларнинг популяция ва миграциясида ҳам ўзгаришларни олиб келади. Бу табиат қонуни. Эътибор берган бўлсангиз, пойтахт кўчалари ва дароҳт шохларида аллақачон чумчуқларга кўзингиз тушмайди. Ҳа, чумчуқлар пойтахтда йўқ бўлиб қолди. Аммо бу қушлар шаҳарда иқлим ўзгариши туфайли йўқ бўлмади. Уларнинг яшаш маконлари ўрнини баланд-баланд ноқулай бинолар эгаллагани, шовқин шаҳар ва ин қуриш учун дароҳтларни йўқ қилганимиз учун шаҳарни тарқ этишди...", деган жуда ҳам тўғри фикрни илгари сурган.

Бироқ, Тошкентга нисбатан анча-мунча тоза ҳавога эга Жиззахда ёки "Ўзбекистон Швейцарияси" номи билан танилган, мусавффо ҳавоси ва худудининг асосий қисми қишлоқлардан иборат бўлган ҳовли-жойлари билан мамлакатимизнинг энг экологик тоза гўшаси саналмиш – Зомин, Бахмал туманларида яшаган чумчуқларчи, улар негиз биозни тарқ этди?

Демак, фақат баланд-баланд уйлар, ҳавонинг ҳаддан зиёд кесилгани ва дароҳтларнинг кесилиб кетиши – бу қуш турини мамлакатимиз худудидан (ҳа демай бутунлай) йўқолиб қолишига битта сабаб деб қараш мумкин.

– Ҳақиқатдан ҳам чумчуқлар деярли кўринмай қолганда, бунга мен ҳам эътибор бериб юраман, – дейди Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бош-

лигининг биринчи ўринбосари Шавкат Артықбоев. – Менимча бунинг сабаб – глобал иссиқликнинг йилларимизнинг кўрғокчи келаётгани, сув танқислиги натижасида донли экинларнинг дала-ларда ҳам эклаётгани, сувли майдонларда эса қаттиқ қуриқланаётгани бўлса керак.

Анчадан бунинг чумчуқлар умуман кўринмай қолганда. Лекин ўтган 2022 йили Зомин, Бахмал ва Шароф Рашидов туманининг тоғли экин майдонларида ўзим кўрдим, аммо жуда камчилик, аввалгидек гала-гала эмас. Лекин, тўғриси, кўриб қувониб кетдим, хайрият бутунлай йўқолиб кетмабди.

Айнан экожурналистика бўйича кўплаб муаммоларни кўтараётган таъқиқчи ҳаммасабамиз Наргис Қосимованинг фикрлари янада жонлироқ чиқди. – Чумчуқларнинг йўқолиб кетишига қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликда петатид, яъни дароҳт ва ўсимликлар учун ишлатиладиган захарли дориларни ниҳоятда кўп миқдор ва ҳолатларда қўлланилаётгани, – дейди у. – Шу ернинг ўзида, ўз-ўзидан иқлимнинг кўриби келиб қолди. Улар учун шу пайтгача бўлиб келган озуқа манбаларини йўқолиб, борлари ҳам зарҳарланиб, уни истеъмол қилган чумчуқлар эса қирилиб кетаётганидир.

Мен чумчуқларнинг йўқ бўлиб кетаётганига массавий қирғин, баъзан шунчаки, эрмак учун, яна баъзи ҳолатларда эса шу ҳимояси жажжи қушлар истеъмол учун ов қорбонига айланаётгани ҳам асосий сабаблардан бўлапти, деб ўйлайман.

Арзиманган пул учун қилолаб, ҳатто, тонналаб чумчуқ, кабутар ва бошқа жонзодлар ов қилиниб, чойхоналарга олиб келиб берилаяпти. Вилоятлардаги махсус чойхоналарда "чумчуқ шўрва", "чумчуқ каюб", "чумчуқ димлама" қилиб, баъзи "ишбилармонлар" буни ортидан каттагина даромад қилапти. Лекин табиатнинг бу жажжи ҳимояси жонзодларини қирилиб кетаётгани на чумчуқ овловчиларнинг ва на шу чойхоначиларнинг, уни истеъмол қи-

лувчиларнинг парвосига ҳам келмаётгани, табиатга, унда яшаётган жонли фаунага мутлақо аҳамиятсизликлари янада таъшиланардидир.

Чумчуқларнинг йўқ бўлиб кетишига тўртинчи сабаб ҳам бордек, назаримда. Яқин 15-20 йиллардан бун кўплаб дароҳтлар кесилиб, уларнинг ўрнига игнабаргли (арча ва арчасимон) дароҳтларни қўриқилмай қолган дароҳтларни шохларини эса айниқса шаҳарларда, электр чироқлари билан беэаб ташлаяпмиз. Электр чироқлари тортилган дароҳтга чумчуқлар ин қўйиши у ёқда турсин, ҳатто қўнмайди ҳам.

Шаҳарда чумчуқлар асосан дароҳтларда яшарди, хўш ҳозир улар қаерга ин курсин? Игна баргли дароҳтларгами? Бу турдаги дароҳтларнинг экилишига ҳеч ким қарши эмас, албатта. Тўғри, энг кўп кислород ишлаб чиқарадиган, айнан шу дароҳтлар ҳисобланади. Аммо нима учун қайси бир хоҳ манзарали, хоҳ мевали дароҳт бўлсин, арча экишимиз учун уларни кесилишимиз керак? Нима бизда бўш ерлар камми? Ана шу майдонларга, минглаб гектар паст текстилиги қир-адирларга эксаб бўлмайдами? Лекин биз экаётган бу игнабарглиларнинг шохига, нафақат чумчуқ, балки, бошқа ҳеч қандай қуш ин қўймайди ҳам ва ҳатто, қўнмайди, қўна олмайдими ҳам.

Юқорида, мактаб ўқувчиларимизда қуш уйчалари ясаб дароҳт шохларига илтиб қўйганимиз ҳақида ёзган эдим. Хўш, ҳозир, шу бугунги кунда Жиззахда (бошқа вилоятларда аҳвол бундан-да баттар) нечта ўшанақа қуш уйчалари бор? Уларда қайси қушлар яшаяпти? Мактабларимизда ўқувчилар ҳалиям қуш уйчалари ясаётганими? Европа, Шимолий ва Жанубий

Америка давлатларида қушлар учун махсус озуқа берадиган қушлар қилиб қўйилган. Бемалол қушлар ҳам, ҳатто ўрмонга борсангиз олмахон ҳам, келиб бемалол, асло чўчимай қўлингиздан дон ейиши, озикланиши мумкин. Биздачи, шундай, қушлар озукланадиган жойни кўргансизми? Саволлар кўп, лекин уларга жавоб берадиган масъул ҳам, табиатнинг сизу биздан ҳимоя кўтараётган жонзодлари ҳақида ўйлайдиган жавобгар ҳам кўзга ташланмаяпти. Бўлса ҳам ё уйқуда, ёки овда, ёки чойхонада шу жонзотларнинг гўшадан тайёрланган тансиқ таомни мақтай-мақтай ейиш билан овора. Акс ҳолда бу йўқолиб бораётган чумчуқлар, 52 қуш турлари ҳам аллақачон Қизил китобга қиритиларди-да.

Мамлакатимизда чумчуқлар бутунлай қирилиб кетмай, бу саволларнинг жавобини ҳам, уларнинг сақлаб қолиш йўллари ҳам топадиган пайт келмадимикан?

Сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи чумчуқлар яна худудларимизга қайтармикан?

**А.ҚАЮМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.**

ҚУРИЛИШНИ ХОТИРЖАМ ТУГАТИНГ!

Албатта, қурилиш-монтаж ишлари ёнғин хавфсизлиги қоидалари мувофиқ ташкиллаштирилиши керак.



Хусусан, қурилишдаги электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорликни ошириш зарур. Масалан, қурилиш вақтинчалик электр симларини тортиш учун изоляция қилинмаган симлар маҳкам тирговуч ёки тролларга илланади. Электр сими иш жойидан 2,5 метр, ўтиш жойларидан 3 метр, ўтиш йўлларидан 6 метр баландликда бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метр баландликда бўлган электр кабель ва симлар шикастланишдан ҳимояланган бўлиши лозим. Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар баҳарлади деган жой ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши ва атрофи 5 метргача ёнғунчан моддалар, 10 метргача портлаш хавфи юқори бўлган модда ва ускуналар, шу жумладан газ баллонлари ва газ генераторларидан бўшатилиши керак. Иш тугаши билан электр тармоқлар, электр асбоб-ускуна ва қурилишдаги бошқа электр истеъмолчилар, шу жумладан маиший хоналар тоқдан узиб қўйилиши керак, электр энергиясини ўчириш марказлашган бўлиши лозим.

Қурилиш меъёриларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, ақсар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Яратувчанлик йўлида ўзларининг беиминнат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараёнида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизликларини, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

**Санжар САИДУРДОВ,
Сергеи тумани ФВБ НТБ бошлиғи, капитан.**

Эълон

2020 йил 26 мартда Қобил Мўрдожон Маҳмуджон ўғли номига берилган №22-05/179 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Мелиоратив экспедиция бошлиғи Маҳмуд ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.



ЯПОНИЯ ҚОРДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛЯПТИ

Аомори шаҳри қорни электр энергияси ишлаб чиқариш учун ишлатмоқчи. Тажриба лойиҳасида турбина ҳаво ва қор эриши натижасида ҳосил бўлган суяқлик ўртасидаги ҳарорат фарқи билан бошқарилади.

Япониянинг Хонсю ороли шимолидаги Аомори шаҳрида қор эриши вақтида электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаси ишга туширилди, деб хабар бермоқда, **Қуодо агентлиги**. Шу мақсадда қор махсус изоляция қилинган собиқ мактаб сузиш ҳавзасида йиғилади ва эриган суяқлик турбинани ҳаракатда келтиради, у атрофдаги ҳавонинг иссиқлиги туфайли бўғланади. Ушбу лойиҳа маҳаллий ИТ-компаниянинг Токио Электр

алоқа университети билан ҳамкорлиги натижасида юзага келди. Аомори Япониянинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, ҳар қишда кўп қор ёғади, бунинг оқибатларини бартараф этиш учун маҳаллий ҳокимият жуда кўп пул сарфлайди. Шаҳар кўчаларидан тозаланган қор массалари илгари оддийгина денгизга ташланган. Энди маҳаллий ҳокимият органлари тўпланган қордан, масалан, электр энергиясини

ишлаб чиқариш учун табиий эриш жараёнида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Турбинанинг ишлаш ҳажмини оширадиган каттароқ ҳарорат фарқини олиш учун мутахассислар келажакда маҳаллий иссиқ булоқларнинг табиий иссиқлиги ва Ер иссиқлигидан фойдаланишни режалаштирмоқда. Экспериментнинг ижобий натижаси бўлса, улар қорни қайта ишлашга асосланган бутунлай янги соаноатнинг пайдо бўлишига умид қилапти.

Qishloq hayoti

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс тарихидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ, Ақтам ҲАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Ҳақиқат ҳақида, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-140. 3 215 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 20.15